

ХУКМ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2025 йил октябрь ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Чиноз туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, суд раиси [REDACTED] раислигида, судья ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, тарафлардан Чиноз туман прокурорининг катта ёрдамчиси [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси—адвокат [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] нисбатан 1-1115-2501/179-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 1987 йил 8 ноябрь куни Тошкент вилояти Чиноз туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, [REDACTED] уйда яшайди, иш бўйича “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нухасини 2025 йил 3 октябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 278-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, тарафларнинг музокара сўзларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишдаги мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] 2025 йил 11 июль куни дам олиш маскани ҳисбланган Чиноз тумани, “Бешкапа” м.ф.й., Мафтункор кўчаси рақмсиз уйни ижарачи [REDACTED] бир суткага 600.000 сўм эвазига ижарага олиб, ушбу хонадонда тавакалчиликка асосланган қимор ўйинини ташкиллаштириш учун жиҳозларни, яъни “ошиқ тошлари”, “ошиқ тошлари”ни ичига солиб отиш учун мўлжалланган елим идишлар ва бир дона столларни ўзи билан олиб келиб жиҳозлаб, танишлари [REDACTED], [REDACTED] таклиф қилиб, ғаразли ва бошқа паст ниятларда, конунга хилоф равишда қимор ва таваккалчиликка асосланган “ошиқ” ўйинини ташкил этган.

ДХХ Чиноз тумани бўлими ва ИИБ ходимлари томонидан тезкор тадбир ўтказилиб, 2025 йил 12 июль куни соат тахминан 00:10 ларда [REDACTED] томонидан ижарага олинган Чиноз тумани, “Бешкапа” м.ф.й., Мафтункор кўчаси рақмсиз уйни икки нафар холислар иштирокида кўздан кечирилган вақтда, юқорида келтириб ўтилган шахслар иштирокида, таваккалчиликка асосланган “ошиқ” ўйини ўйнаётганликлари аниқланиб,



ўртада ўйналаётган жами 18.798.000 сўм, 4012 АҚШ доллари, 260 БАА дирхами ва 14 дона “ошиқ тошлари”, 5 дона ошиқ тошларини ичига солиб отиш учун мўлжалланган елим идишлар ҳамда бир дона стол далилий ашё сифатида олинган.

Ўзбекистон Марказий банки томонидан берилган маълумотномада 2025 йил 11 июль кунидаги 1 АҚШ долларининг сўмга бўлган қиймати 12.634,34 сўмни ташкил этганлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Марказий банки томонидан берилган маълумотномада 2025 йил 11 июль кунидаги БАА дирхамининг сўмга бўлган қиймати 3439,79 сўмни ташкил этганлиги кўрсатилган.

■ қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга ҳилоф равишда ташкил этиш ва ўтказишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 278-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Судланувчи ■ судда айбига иқдор бўлиб, 2025 йил 11 июль куни таниши ■ билан бирга келишиб соат тахминан 16-00 ларда чўмилиш учун шу яқин атрофдаги Чиноз тумани, “Бешкапа” маҳалласида жойлашган Вохит акани бассейни ва саунага бориб, у ерни суриштирган вақтида, ушбу жойда банд бўлганлиги учун киргаза олмаслигини айтганлигини, шундан кейин унинг орқа томонида жойлашган Алижон акани бассейнига борган вақтида, ушбу жойда одам йўқ эканлигини, Шавкат билан бирга ушбу бассейни саунаси билан ҳар соати учун 100.000 сўмдан жами 6 соатга 600.000 сўмга ижарага олганлигини, ■ билан Чиноз дехқон бозорига бориб ҳаражат қилаётган вақтида ҳамма керакли нарсаларни олиб дала ҳовлига яна етиб келишганлигини, ■ шўрвани масалигини таёрлаб овқатни ташлаб қўйганлигини, шу жойда бўлган вақтида Чиноз туманида туғилиб ўсиб, ҳозирда Тошкент шаҳрида яшовчи ■ ака телефон қилганида, унга Чиноз тумани “Бешкапа” маҳалласида саунага дам олиш учун келганлигини айтган вақтида, у Чинозга келганлигини, ҳозир бораман деб айтганлигини, орадан биров вақт ўтгандан сўнг фарзандлари билан келиб чўмилиб дам олишганлигини, кун кеч тушганлиги сабабли ўзини Мадийёр ака фарзандларини уйга жўнатиб юбориб ўзи эса улар билан биргаликда қолганлигини, улар билан бирга овқатланиб ўтирган вақтида у ўзини бир нечта танишларига телефон қилиб, ўтирган дала ҳовлига чақирганлигини, шундан кейин 3-4 нафар унга нотаниш бўлган болалар келганлигини, уларни кимлигини сўраган вақтида Мадийёр ака меҳмон деб айтганлигини, тахминан 8-9 киши бўлиб меҳмонлар билан бирга овқатланиб ўтирган вақтида, шу пайтда анча ароқ ичиб қўйганлигини, орамиздаги кўпчилик ҳам шу пайтда озроқ маст бўлиб қолганлиги учун шу ердаги йигитлар бирга ошиқ ўйнайлик деб қўйишмаганлигини, шу куни ошиқ ўйнаш учун мўлжалланган столни дам олаётган дачага олиб келтирганлигини, столни уй ичига олиб кириб, атрофига ўтириш учун мўлжалланган столларни қўйишганлигини, Шавкатга участкасида қолиб кетган қимор ва таваккалчиликка асосланган ошиқ ўйинини ўйнашлик учун ошиқларни ва елимдан ишланган стаканларни олиб



келишини айтиб, буюмларни олиб келтирганлигини, кизикроқ бўлсин деб ўртага ўзидан 200.000, 300.000 сўмдан пул ташлаб ошиқ ўйинини ўйнай бошлашганлигини, ўйинни ўйнаб ўтирган вақтимизда соат тахминан 01-00 лар бўлиб қолганлигини, шу пайтда ўтирган хонага туман ИИБ ходимлари келишиб, ўртада турган ошиқ ўйинини ўйнаш вақтида ўртага тикилган жами 18.798.000 сўм, 4012 АҚШ доллари, 260 БАА дирхам ва 14 дона “ошиқ тошлари”, 5 дона ошиқ тошларини ичига солиб отиш учун мўлжалланган 8 дона елим идишлар ҳамда 1 дона столни баённома расмийлаштириб далилий ашё сифатида олишганлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Судда гувоҳ [REDACTED], Чиноз тумани, “Бешкапа” м.ф.й., Мафтункор кўчаси рақамсиз уйда очилган хусусий дам олиш масканида иш бошқарувчи бўлиб ишлаб келганлигини, 2025 йил 11 июль куни соат тахминан 14:00 ларда [REDACTED] билан биргаликда келиб, бугун дача бўшми бир нечта таниш дўстлари билан дам олиб ўтиромокчи эканлигини айтишганида, дача бўш бўлганлиги сабабли уларга майли деб айтганлигини, уларга қанча вақтда керак деб сўраганида тахминан 5-6 соатга деб айтганлигини, [REDACTED] билан 600.000 сўмга келишганлигини, уларга агарда дўстларингиз билан келсаларингиз бегона бўлган аёлларни, спиртли ичимликларни олиб келманглар ҳамда турли хилдаги ўйинларни ўйнаш, ташкиллаштириш мумкин эмаслигини огоҳлантирганлигини, айтган шартларга рози бўлишиб қайтиб кетишганлигини, орадан тахминан 30 дақиқа ўтганидан Махмудов Диёржон кўнғироқ қилиб, 18:00 ларга бир-нечта танишлари билан борамиз деб айтганлигини, бу орада [REDACTED] 100 минг сўм заклат ташлаб кетганлигини, 18:00 ларда дачада бўлган вақтида унга дачани топшириб, бу ердан чиқиб кетганлигини, 2025 йил 11 июль кунидан 12 июлга ўтар кечаси соат тахминан 01:30 ларда яшаш хонадонида дам олиб ётган вақтида, ўзларини туман ИИБ ходими деб таништирган йигитлар кўнғироқ қилишиб дачага чақиришганлигини, у ерга борган вақтида [REDACTED] дачада ўзининг танишларини чақириб, бу ерда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб “ошиқ” ўйинини ташкиллаштириб, стол, ошиқ тошлари ва ошиқ тошини отиш учун мўлжалланган стаканларни олиб келиб, ўзининг кейинчалик билишича [REDACTED], [REDACTED]

[REDACTED] чақириб ўзаро ўртага пул тикиб “ошиқ” ўйнаётганликлари аниқлашганликларидан хабар топганлигини, “ошиқ” ўйини ўйналаётган хонадаги стол устидан жами 18.798.000 сўм, 4012 АҚШ доллари, 260 БАА дирхам ва 14 дона “ошиқ тошлари”, ошиқ тошларини ичига солиб отиш учун мўлжалланган 8 дона елим идишлар ҳамда 1 дона стол далилий ашё сифатида олинган эканлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судда гувоҳ [REDACTED], 2025 йил 11 июль куни соат тахминан 16:00 ларда таниш бўлган Диёр ака кўнғироқ қилиб, уни Чиноз туманига



келишини, у ердан дам олиш учун мўлжалланган хонадон гаплашганлигини, шу ерда чўмилиб дам оламиз бошқа танишлари ҳам келган деб чақирганлигини, майли бораман деб, унинг таклифига рози бўлганлигини, соат тахминан 21:00 ларда Абдулатиф билан Диёр ака айтган манзил Чиноз тумани, “Бешкапа” маҳалласи, Мафтункор кўчасида жойлашган дачага келишганлигини, у ерга борганида тахминан 5-6 тага яқин бўлган унга таниш ва бегона бўлган йигитлар бор эканлигини, улар билан биргаликда салом-алик қилиб биргаликда овқатланишганлигини, танийдиган йигитлардан “Диёр” ва уни чақирган “Диёр ака ” ва “Нодир”лар борлигини, “Диёр” ва мени чақирган “Диёр ака ”, “Нодир” ва бошқа йигитлар уй ичкарисига киришларини, у ерда “ошиқ” ўйинни ўйнашларини айтишганлигини, уй ичкарисига кирганида у ерда усти мато билан қопланган стол турганлигини, ушбу столни ўртага қўйиб аторофига стулларни жойлаштириб, шу ерда “ошиқ” ўйинни ўйнаш учун жой ташкиллаштирилганлигини, уларни олдига бориб уларни қаторидан жой олиб ушбу ўйинни ўйнаш учун ўтирганлигини, дастлаб ўйинга қўшилмай уларни ўйинни томоша қилиб ўтирганлигини, бу ердаги йигитлар тахминан 4-5 маротаба бу ўйинни айлантиришганлигини, у ҳам жами 200 АҚШ доллар пул ва 3.000.000 сўм миқдордаги пулларни ўйинга тикиш мақсадида ушлаб ўтирганлигини, чўнтагида жами 8.000.000 сўм миқдорда пул бўлганлигини соат тахминан 01:00 лар бўлган вақтда бир нечта фуқаролик ва формали йигитлар ўйинни ўйнаб ўтирган хонага кириб келишганлигини, ўзларини таништириб, улар Чиноз тумани ХМҚО ларида ишловчи ходимлар эканлигини айтиб, ўйнаб ўтирган ўйинни жиҳозларини, ўртга тикилган жами 18.798.000 сўм, 400,12 АҚШ доллар, 260 БААга тегишли бўлган дирхам пулларни икки нафар холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олишганлиги тўғрисида кўрсатув берди.

Судда гувоҳ [REDACTED], 2025 йил 11 июль куни [REDACTED] ака кўнғироқ қилиб, биргаликда чўмилиш учун борамиз деб айтганлигини, соат тахминан 16:00 бўлиб қолганлигини, Чиноз тумани, Бешкапа м.ф.й., Мафтункор кўчасида жойлашган хонадондан очилган дачага боришга келишганлигини, кейин [REDACTED] ака ўзининг “Нексия-3” русумли автомашинасида келиб уни олиб кетганлигини, биргаликда Чиноз тумани марказидан бозорлик қилишганлигини, дачага борганидан сўнг дачага [REDACTED] ака келиб қолганлигини, уларни [REDACTED] ака чақирганлигини, биргаликда овқат тайёрлашга киришганлигини, овқат тайёрлаб дам олаётган вақтида турмуш ўртоғи кўнғироқ қилиб, ўғлини касал бўлиб қолганлигини айтганлигини, [REDACTED] акани автомашинани сўраб, уни автомашинасида уйга бориб ўғлини шифохонага олиб бориб, шифокорга кўрсатиб, уларни яшаш хонадонига ташлаб дачага қайтиб борганлигини, у ерга борганида таниш бўлмаган Андижон вилоятдан келган меҳмон деб таништирган кейинчалик билишича исми [REDACTED] ака, аввалдан таниш бўлган Ғулом ака ва у билан келган Абдулатиф, таниш бўлмаган Ботир акалар келишганлигини улар билан салом-алик қилиб, биргаликда ҳовлида гаплашиб овқатланиб ўтиришганлигини, бу вақтда



танишлари бўлган Ботир ака ва Нодир акаларни дачага келинглари, чўмиламиз деб чақирганлигини, улар биргаликда дачага келишганлигини, Нодир қариндоши бўлишини, [REDACTED] ака билан дачага борган вақтида, у устки қисмига мато тўшалган стол олиб келганлигини, ушбу столни дачага олиб киришга ёрдам берганлигини, [REDACTED], Тошкентдан келган Ботир акалар ичкарига кириб кетиб, ошиқ ўйин ўйнай бошлашганлигини, бироз ўтиб Нодир ака ҳам ичкарига ошиқ ўйин бўлаётган жойга кириб кетганлигини, ошиқ ўйинни [REDACTED], [REDACTED], Тошкентдан келган Ботир акалар ўйнаб ўтиришганлигини, соат тахминан 01:00 ларда ҳовлида қариндоши Ботир ака билан гаплашиб ўтирганида, орқа тарафдан бир нечта фуқаролик ва формали йигитлар ўзларини таништириган йигитлар келиб, улар Чиноз тумани ХМҚО ларида ишловчи ходимлар эканлигини айтиб, ўзларини таништириб, гувоҳномаларини кўрсатиб, ҳеч қаерга қимирламай, шу ерда ўтиришини айтиб, кўлидан телефонини олиб, хона ичкарасида ошиқ ўйин бўлаётган жойга кириб кетишганлигини, шу ерда [REDACTED], Тошкентдан келган Ботир акалар ўйнаб ўтирган ўйинни жиҳозларини, ўртга тикилган жами 18.798.000 сўм, 4012 АҚШ доллар, 260 БААга тегишли бўлган дирхам пулларни икки нафар холислар иштирокида ашъвий далил тариқасида олишганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судда гувоҳ [REDACTED], 2025 йил 11 июль куни соат тахминан 16:00 ларда таниш булган Диёр кўнгирок қилиб, Бешкапа маҳалласида жойлашган дачага келишни, у ердан дам олиш учун мулжалланган хонадон гаплашганлигини, шу ерда чўмилиб дам оламиз, бошқа танишлари ҳам келган деб чақирганида, унинг таклифига рози бўлганлигини, Диёрни ёшлигидан буён танишлигини, Тошкент шаҳрида кира қилиб юрганлиги сабабли соат тахминан 18:00 ларда уйга келиб фарзандларини олиб, Чиноз тумани, "Бешкапа" маҳалласи, Мафтункор кўчасида жойлашган дачага келганлигини, у ерга борганида [REDACTED] борлигини, улар билан биргаликда салом-алик қилиб биргаликда дачага сувларни сепиб, чўмилиб, овқат қилишганлигини, фарзандларини чўмилтираётганида, Гулом, Нодир, Ботир ака, [REDACTED] келишган эканлигини, шу орада қоронғи тушиб қолганлиги сабабли фарзандларини уйга жўнатиб юборганлигини, ҳаммалари биргаллашиб овқатланишганлигини, кейин биргаликда уй ичкарасига у ерда ошиқ ўйинни ўйнаш мақсадида киришганлигини, уй ичкарасига кирганида, у ерда усти мато билан қопланган стол турганлигини, йигитлар ушбу столни ўртага қўйиб, аторофига стулларни жойлаштириб шу ерда ошиқ ўйинни ўйнаш учун ўтиришганлигини, турли миқдорда ўйин учун пуллар тикилганлигини, соат тахминан 01:00 лар бўлган вақтда бир нечта фуқаролик ва формали йигитлар ўйинни ўйнаб ўтирган хонага кириб келишганлигини, ўзларини таништириб улар Чиноз тумани ХМҚО ларида ишловчи ходимлар эканлигини айтиб, ўйнаб ўтирган ўйинни жиҳозларини, ўртга тикилган жами 18.798.000 сўм, 4012 АҚШ доллари, 260 БААга



тегишли бўлган дирхам пулларни икки нафар холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олишганлиги тўғрисида кўрсатув берди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] кимор ва тавакалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиб, уларни ўтказишда ифодаланган жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 278-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилган деб ҳисоблайди.

Судланувчи [REDACTED] айби ўзининг иқрорлигидан ташқари, ходиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото суратлар, нарса ва буюмни олиш ҳамда кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото суратлар, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва уни ишга қўшиб қўйиш ҳақида қарор ва унга илова қилинган фото суратлар, юзлаштириш баённомалари ва ишдаги бошқа далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарорининг 3-бандида жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги, 4-бандида қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Юқорида қайд этилган Пленум қарорининг тушунтиришларига риоя қилиб ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлигини, қаромоғида тўрт нафар фарзандлари борлигини, ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб жиноятни паст ниятларда содир этганлигини топади.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва миқдорини белгилашда, уни жамиятдан ажратган ҳолда ахлоқан тузатиш мақсадга мувофиқ бўлади деган ҳулосага келиб, унга ЖК 278-моддасининг 1-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, [REDACTED] томонидан 2025 йил 18 июль куни “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш учун топширилган 8.000.000 (саккиз миллион минг) сўм пул маблағини гаров қўюувчи- [REDACTED] яқин қариндошларига қайтаришни, мазкур жиноят иши юзасидан ашёвий далил тариқасида олинган ва Тошкент вилоят ИИББ хузуридаги Тергов бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 18.798.000 (ўн саккиз миллион етти юз



тўқсон саккиз минг) сўм пул маблағларини ҳамда Агробанк Чиноз филиалига топширилган 4012 (тўрт минг ўн икки) АҚШ доллари ва 260 (икки юз олтмиш) БАА дирхами давлат эгалигига ўтказишни, шунингдек далилий ашё тариқасида олиниб, жиноят иши ҳужжатларига илова қилинган 14 (ўн тўрт) дона “ошиқ тошлари”, 8 (саккиз) дона елим идишлар ва 1 (бир) дона стол тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига риоя қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 278-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 278-моддасининг 1-қисми билан 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 62-моддаси тартибда, 2025 йил 16 июлдан 2025 йил 18 июлга қадар ЖПКнинг 227-моддасига кўра, ушлаб турилган 2 (икки) куни тайинланган жазодан чегириб ташлаш йўли билан узил-кесил ўташ учун 1 (бир) йил 11 (ўн бир) ой 28 (йигирма саккиз) кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залидан қамоққа олинсин ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭДга қарашли марказий тергов хибсхонасига жойлаштирилсин.

Жазони умумий тартибли колонияларида ўташи белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 14 октябрдан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг:

- томонидан 2025 йил 18 июль куни “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш учун топширилган 8.000.000 (саккиз миллион минг) сўм пул маблағи гаров қўюувчи- яқин қариндошларига қайтарилсин.

-далилий ашё тариқасида олинган Тошкент вилоят ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 18.798.000 (ўн саккиз миллион етти юз тўқсон саккиз минг) сўм пул маблағлари давлат эгалигига ўтказисин;

-далилий ашё тариқасида олинган Агробанк Чиноз филиалига топширилган 4012 (тўрт минг ўн икки) АҚШ доллари ва 260 (икки юз олтмиш) БАА дирхами давлат эгалигига ўтказисин;

-далилий ашё тариқасида олиниб, жиноят иши ҳужжатларига илова қилинган 14 (ўн тўрт) дона “ошиқ тошлари”, 8 (саккиз) дона елим идишлар ва 1 (бир) дона стол тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум томонидан эса унга ҳукм нусхаси топширилган кундан



бошлаб, ушбу муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилоят судининг
жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят
берилиши ва протест билдирилиши ёки ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг
кассация тартибида шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:(имзо)

Аслига тўғри, суд раиси.

